



ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ТАРАҚҚИЁТ ДУШМАНИ

Омонов Жавохирбек Илхомжон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги

Академияси курсанти

E-mail: omonovtuxiddin44@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда ва тараққиётга тусқинлик қилувчи диний экстремизм ва терроризм келиб чикиши, жамиятга етказадиган заари ва унинг харакатлари натижасида келиб чиқадиган оқибатлари ҳақида мақоламиизда тўлироқ маълумот берилади.

Калит сўзлар: демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти, диний экстремизм, терроризм, террор, иммунитет.

РЕЛИГИОЗНЫЙ ЭКСТРЕМИЗМ И ТЕРРОРИЗМ – ВРАГИ РАЗВИТИЯ

АННОТАЦИЯ

В этой статье мы предоставим более подробную информацию о происхождении религиозного экстремизма и терроризма, препятствующих установлению демократического правового государства и формированию гражданского общества, а также о вреде, который они наносят обществу, и последствиях его действий. .

Ключевые слова. демократическое правовое государство, гражданское общество, религиозный экстремизм, терроризм, террор, иммунитет.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Президенти Шовкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, “Мамлакатимизнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, тинчлик ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш барча ютуқларимизнинг бош гаровидир” - деган эди.¹

Янги Ўзбекистон - янги марралар сари дадил қадам ташламоқда. Ўзбекистон Республикаси дастлабки мустақилликка эришган даврлардан бошлаб ўз олдида ўзоқ истиқболларга мўлжалланган ривожланиш дастурларини тузиб, унга асосан харакатни ташкил етади. Давлат хокимияти бошида сайлов асосида ташкил этилади. Уни ижро этувчи хокимият хам сайлов асосида ташкил этилади. Сайлов хам тенг, тўғридан-тўғри ва яширин овоз бериш йули билан

¹ Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.



ўтказилади. Дастреблабки ривожланишнинг “Ўзбек модели”, “Харакатлар стратегияси” ва ҳозирги кундаги амалга оширилаётган “Тараққиёт стратегияси” демократик хуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини қуриш мақсадида амалга оширилмоқда. Аммо шундай кучлар борки тараққиётга карши, давлатнинг амалга оширилаётган сиёсатига норози кайфиятдаги шахслар хам афсуски йуқ эмас. Улар ўз мақсадларини диний экстремизм ва терроризм орқали амалга оширишга харакат қиласидилар. Сабаби ушбу кушлар уларни ўз мақсадларига эришишга ичонтирадилар ҳамда молиявий маблағлар билан таъминлайдилар. Бугун аниқ айтиш мумкунки, агар диний экстремизм ва ақидапарастлик шиорлари ҳалқаро террорнинг ғоявий ниқоби бўлса, наркобизнес ва наркотрафик ҳеч шубхасиз, ҳалқаро террорнинг молиявий таянчидир. Шу билан бирга айрим экстремистик кўринишдаги ташқи кучларнинг таъсири давлатимизнинг тинчлиги ва фуқароларимизнинг хавфсизлигига динни ниқоб қилиб хавф солиш таҳдида ҳам сезила бошлади. Чунки ҳалқимизнинг динга иштиёқи катта бўлиб натижада ушбу ғаразли қучлар дин орқали ёшларимизнинг онгини бегона мафкуралар билан заҳарлашга ҳамда давлатимизнинг истиқтоли ва тараққиётiga раҳна сола бошладилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда бутун дунё муаммоларига айланган диний экстремизм, жамият хавфсизлигига, барқарорликка, олиб борилаётган ислоҳотларга, фуқаролар ҳаёти соғлиғи ва бошқа конституциявий хуқуқ ва эркинликларига ҳеч қачон бугунгидек катта хавф туғдирмаган. Жамиятда тинчликка, хавфсизликка, бошқарув тартибиға, жамоат ҳавфсизлигига, қарши жиноятларнинг сабаблар мажмуасида диний экстремизм ҳалқалардан бири бўлиб келмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики ҳозирги кунда диний экстремистлар ўз мақсадларига эришиш учун ўта сўл йўлни яъни терорчиликни танлашмоқда. Маълумки террорчилик диний экстремизмга сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун хокимятни ўз қўлига олиш учун кўл келади. Шу боис диний экстремистлар жиноятчиликни энг жирканч шаклларидан бири терроризмдан, шу жумладан ҳалқаро терроризмдан фойдаланадилар.²

Терроризм ва экстремизм тушунчаларига таъриф берадиган бўлсак, улар куйидагиша:

терроризм³ – сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий обьектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши)

² Қодиров А. Диний экстремизм –сиёсий ҳодиса Экстремизм терроризм, гурухий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муамолари Илмий - амалий анжуман материаллари

³ Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги конунининг 3-моддаси

хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни бекарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар;

Экстремизм⁴ – (лотинча: - ўта, кескин деган маъноларни англатади) – сияsatда ва мафкурада ашаддий, фавқулодда ҳаракат ва қарашларга асосланиб фаолият юритиш. Екстремизмнинг сиясий ва диний куринишлари яққол ажралиб туради, зўрлик ёки зўрлки ишлатишга дават қиласди. Сиёсий экстремизм намоёндалари ўзларининг ғаразли мақсадига эришиш учун куч ишлатиш усулидан фойдаланиб, мавжуд сиёсий тузилмаларнинг барқарор қаолият юритишини бўзиш ва юқотишга ҳаракат қилишади. Бу йулда экстремистлар ва экстремистик ташкилотлар “демократия” ниқоби остида баландпарвоз шиорлар, чақириқлар билан чиқиб, террорчилик ва партизанлик ҳаракатини қуллаб қувватлайдилар, қонунга риоя этмаслик, иш ташлашлар, тартиббузарликлар чиқаришга ўринадилар, террор қилиш усулидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Республикасида ҳам мустақилликка эришган дастлабки кунларда ушбу кушлар ўз таъсир остига олишга ўринишдилар. 1999 йил 16 феврал куни Республикализнинг пойтахти Тошкент шаҳрида, 2000 йил Сурхандарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларида, Тошкент вилоятининг Бўйтонлиқ тумани ҳудудларида, 2004 йил 27-31 март кунлари Тошкент шаҳар, Тошкент ва Бухоро вилоятининг бир неча нуқталарида ҳамда шу йили 30 июль куни Республика Бош прокуратурасида, шунингдек 2005 йил 13 май Андижон шаҳрида содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари бунга яққол мисол бўлади. Марказий Осиё минтақасида ҳозирги кунда фаолияти кузатилаётган диний экстремистик групкалар қаторига «Ўзбекистон/Туркистон ислом ҳаракати» (ЎИҲ), «Ислом жиҳоди грухи», «Хизбут таҳrir», «Акромийлар», «Нурчилар» ва «Таблиғчилар» киради. Бу ташкилотлар юртимиизда қўплаб жиноий ҳаракатларни содир қилишди. Уларнинг фаолияти қонли тўқнашувларга, бегуноҳ фуқароларимизнинг нобуд бўлишига олиб борди. “Акромийлар” ҳаракатининг 2005 йил 12 майда Андижонда содир қилган қўпорувчилик ҳаракатлари бутун республикамизни ва дунёни ларзага солди. Уларнинг барчаси

⁴ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ekstremizm>



юртимизда конституцион тузумни ағдариб ташлаш мақсадида содир этилган. таъсир ўтказилган ёшлар ва баъзи турк лицей ўқитувчиларининг фаолияти оқибатида юзага келган. Дастраси жамоалар Термиз ва Денов шаҳарларида бўлган. Ташкилотнинг стратегияси узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, астасекинлик билан ёшларни исломийлаштириш ва пантуркизм ғояларини сингдириш, ўз вакилларини раҳбар лавозимларга ўтказишни таъминлаш орқали «Нурчилар» жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тепасига чиқаришга асосланган. Норасмий диний ўқиши ташкил этиш учун хуфия хонадонлар сотиб олинган. 2010-2011 йиллари Самарқанд вилоятида ва Тошкент шаҳрида давлат идораларига суқилиб кирган «Нурчилар» жамоаси аъзолари қўлга олинди.

Илмий кузатишлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатадаки, ҳозирги кунда диний экстемистик ташкилотлар ва оқимлар ўз мақсадларига эришиш учун асосан ҳали онги шаккланиб улгурмаган тарбиясиз ёшларимизни тузогига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб ўз халқи, ўз ютига қарши ғанимга айлантиришга жон-жади билан ҳеч қандай маблағларни аямасдан харакат қилмоқдалар. Ушбу харакатлардан қўриниб тўрибидики, давлатимизнинг ривожланишини кўролмаётган кучлар хам мавжуд. Ушбу қора кушлар ўз мақсадларига эришиш учун динни никоб остига олиб харакат қилишмоқдалар. Мақсадлари мавжуд давлат тузумини ағдарип, давлат ҳокимиятини эгаллаш. Ўзбекистонда яқин ўтмишимизжা содир ибўлган диний экстремизм ва тероризм харакатлари натижасида мавжуд давлат тузуми ағдарилимаган бўлса хам, лекин давлатнинг бошқарув тизимига анча зарар етказди, бўлиб ўткан ушбу воқеалардан тез чиқиб кетишига эришилди. Давлат тизими ислоҳ қилинди. Бунда биринчи навбатда, мустақиллик эришган давларда халқимизда ғоявий бўшлиқ содир бўлганди, диний фонд пасайган, таълим тизимида хам анча камчиликлар кўзатилган.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Хўжақулов С.Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.
2. Қодиров А. Диний экстремизм –сиёсий ҳодиса Экстремизм тероризм, гурухий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муамолари Илмий - амалий анжуман материаллари
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги “Тероризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунининг З-моддаси
4. <https://arxiv.uz/uz/documents/kurs-ishlari/huquqshunoslik/u-u-iy-davlat-tushunchasi-va-tarifi-1>
5. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ekstremizm>
6. <https://religions.uz/news/detail?id=391>
7. <https://lex.uz/docs/4494709?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>





8. « Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»
<https://constitution.uz/uz/clause/index>
9. <https://religions.uz/news/detail?id=391>
10. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Ekstremizm>
11. ¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2021/02/16/16-february-1999/>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони www.lex.uz.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролархуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ5005-сонли Фармони.
14. Фуқаролик жамияти. https://uz.wikipedia.org/wiki/Fuqarolik_jamiyat

